



**ЎЗБЕК МАТНШУНОСЛИГИНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ ВА ҲОЗИРГИ
АҲВОЛИ**

Дехқанов Фарҳоджон Хурсан ўғли

Тошкент давлат шарқшунослик университети тьютори

Аннотация *Ушбу мақолада ўзбек матншунослигининг шаклланиш босқичлари, илмий асослари ва замонавий ривожланиш йўналишлари таҳлил этилган. Матншуносликнинг мустақил фан сифатида шаклланиши, унинг методологик асослари, ўзбек адабий тили ва лингвистикаси билан боғлиқ жиҳатлари кўриб чиқилади. Шунингдек, бу соҳадаги илк тадқиқотчиларнинг ҳиссаси, замонавий тадқиқот тенденциялари ва ўзбек матншунослигидаги долзарб муаммолар муҳокама этилган. Матннинг прагматик, когнитив ва лингвометодик таҳлили орқали матншуносликнинг келгусидаги имкониятлари ва ундаги илмий-амалий ечимлар тавсифланган.*

Калит сўзлар: *ўзбек матншунослиги, матн таҳлили, тилишунослик, методология, когнитив ёндашув, прагматик таҳлил, замонавий тадқиқотлар, матн структураси, адабий тил*

Мумтоз адабиётимиз – маданиятимиз ва маънавиятимиз сарчашмаси, бебаҳо бу мерос билан фахрланишга ҳақлимиз. Уни ўрганиб тадқиқ ва таҳлил этиб халқимизни, ёш авлодни баҳраманд қилиш қутлуғ вазифалардандир. Ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихи, бой – илмий маънавий мероси, адабиёти ва санъати ҳақидаги қимматли маълумотлар қўлёзма манбаларда акс этгандир. Аجدодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг – минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда камдан – кам топилади. Аввало ўзбек матншунослигининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмасак ўзбек матншунослиги борасида фикр билдиришимиз тўғри бўлмас.

Матншуносликда матн маъноси кенг қамровли тушунчадир. Матн деганда муаллиф ифода этмоқчи бўлган фикр ва ғоянинг ёзувдаги инъикоси тушунилади. Шунингдек, матн деганда яхлит бир асар яъни, қўлёзма нусхани ҳам тушунишимиз мумкин. Матншунослик қўлёзма нусханинг матн хусусиятларидан тортиб (лингвистик, бадий, фалсафий, тарихий) нашр кўринишидаги барча ютуқ ва камчиликлари ҳақида яхлит тассавур уйғотувчи тадқиқотни амалга оширади. Замонавий Жаҳон филологиясида матн устида ишлаш масалаларига доир қабул қилинган ягона қоида



йўқ. “Матн” текст деган маънони билдирса, матншунослик эса фан ва адабиётнинг турли соҳаларига оид асарларнинг тексти билан богълиқ масалаларни ўрганади. Матншунослик ўта мураккаб соҳа бўлиб, кўплаб тармоқларни ўз ичига қамраб олган.

Ҳозирги кунда матншунослик йўналиши бўйича мутахасис тайёрлаш жуда ҳам долзарблиги билан ажралиб турибди. Чунки ёш авлодга ота-боболаримиз қолдириб кетган илмий меросни етказиб бериш матншуносларнинг зиммасида бўлиб, кўп илмий мерослар эски ўзбек тилида ёзилгани билан аҳамиятлидир. Матншунослик Шарқда ҳам Ғарбда ҳам узоқ тарихга эгадир. Ўзбек матншунослиги шаклланишида кўплаб олимлар ўз хизматларини аямаган. Улардан Садриддин Айний, Иззат Султон, Порсоҳон Шамсиёв, Ҳамид Сулаймонов каби олимлар янги авлодга аجدодларимиз меросини етказиб бериш билан шугъулланганлар. Шундан сўнг Алибек Рустамий, Саидбек Хасанов, Ботирбек Хасанов, Суйма Ғаниева, Мавжуда Ҳамидова ва бошқалар матншунослик ривожига катта ҳисса қўшганлар, Ш. Сирожиiddинов, А. Эркинов, А. Ҳабибуллаев, Р. Зоҳидов, Н. Жабборовлар уларнинг ишларини муваффақиятли давом эттираётган матншунос устозларимиздир.

“Биргина “Ал-Ислоҳ” журнаlines олайлик. Ундаги адабий-эстетик мунозаралар янги адабиётнинг шалланишида, тараккий этишда алоҳида аҳамият касб этгани сир эмас. Бу манбанинг ўрганилиши адабий-танқидий қарашлар тадрижини тадқиқ қилишда ҳам алоҳида ўрин тутди”⁴¹.

Яна бир муаммо: Миллий Уйғониш даври матбуотидаги адабиёт материалларини нашр этишда ҳам аксар профессорналликдан йироқлик иллати кўзга ташланади. Бу ҳол матнларнинг нотўғри табдил қилинишида, баъзан моҳиятга зид талқинларда, айниқса, яққол сезилади. Салоҳиятли матншунос адрларни тайёрлаш бу сингари муаммоларни ҳал этишнинг асосий омилдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, матншунослик фақат ёзувни билиш билангини бажарилиши мумкин бўлган иш эмас. Матншунос, биринчидан, даврнинг фалсафий эстетик принципларини яхши ўзлаштирган; икинчидан, миллий таракқиёт эҳтиёж.

Матншунослик фани қадимги ва ўрта асрлар ёзма ёдгорликлари матншунослиги ҳамда янги давр асарлари матншунослигига бўлиб ўрганилади. Чунки бу икки йўналиш ўртасида принципиал фарқлар бор. Қўлланманинг бу қисмида янги давр асарлари матншунослиги ҳақида эмас, Ўрта аср манбаларини тадқиқот объекти қилиб олган матншунослик хусусида баҳс юритамиз. Матншуносликнинг умумий қонуниятлари, мезонлари ва тамойиллари билан, асосан, адабий ва тарихий асарлар мисолида танишамиз. Ўзбек тилида бу соҳа асосларига бағишланган махсус дарсликнинг йўқлиги ва ўқув қўлланмаларнинг камлиги⁴² бу фанни ўқитиш

⁴¹ Саъдий М., Отабоев А. Матншунослик давр талаблари даражасидами? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 2010. – № 27. – Б. 3.

⁴² Бу соҳада ҳозирча иккитагина ўқув қўлланма бор. Улардан бири: эски ўзбек адабий манбаларини (Эркинов А. С. Матншуносликка кириш. – Т.: Республика таълим маркази, 1997. – 50 б.); икинчиси: Арабий, форсий,



ишларини бирмунча қийинлаштиради. Шунга қарамай, маълум жиҳатдан, етук ўзбек матншунос олимларимизнинг тадқиқотлари ва рус матншунос- лигига бағишланган манбалардан фойдаланиш мумкин. Бироқ шунда ҳам, матнлар тузиш ва уларни тадқиқ этишда матншуносликнинг уму- мий тамойилларидан келиб чиқиб хулосалар чиқариш лозим. Биз етук матншуносларнинг амалий фаолиятини объект қилиб олиб, уларнинг тажрибаларидан назарий умумлашмалар чиқаришга ҳаракат қилдик. Бу йўлда қўйилган дастлабки қадамлардаги кам-кўстлар учун соҳа мута- хассисларидан олдиндан узр сўраймиз. Бунда масалага мутлақо янгича ёндашиб, матншуносликнинг тушунча ва тамойилларини ажратиб, таъ- кидлаб кўрсатишга, баёнийликдан қочишга ҳаракат қилдик. Бу усул тушунча ва тамойилларини эслаб қолиш ва керак бўлса, уларга такрор мурожаат қилишни осонлаштиради деган умиддамиз. Матншунослик ишлари нашр учун материал етказиб берувчи соҳа бўлгани учун у археография фани билан бевосита биргаликда иш олиб боради. Археография фанининг ўрганиш объекти – кўлёзма ҳужжат ва кўлёзма манба, предмети эса – кўлёзма манбани нашрга тайёрлаш методикасидир. Демак, археография қадим ва ўрта асрларда яратилган асарларни нашр этиш тартибини белгилаб беради. Бу тартибга ёзма ёдгорликларни матнини тузувчилар, нашриётларда уларни нашрга тайёрловчилар амал қилиши лозим бўлади. Аммо ўзбек манбашунослик фанида археография ҳозирча жуда заиф ривожланган. Унинг принцип ва категориялари тадқиқ этилмаган ва тартибга солинмаган. Балки бундай муаммолар рус тилидаги шу характердаги нашрларга қараб ҳал қилиб келинади. Ҳозирги маънодаги ўзбек матншунослиги, асосан, ўрта асрлар муаллифлари, хусусан Алишер Навоий асарларини кирилл алифбосида нашр этиш билан боғлиқ ҳолда ривожланди. Бу нашрларнинг юзага келиши жараёнида матншуносликнинг янги талаблар даражасидаги матн тайёрлаш методикаси, технологияси, фаннинг категория ва принциплари ўзбек матншунослари ишларига кириб келди ва мустаҳкамланиб қолди. Шунда ҳам, улар фан асослари устида эмас, муайян матнлар устида изланишлар олиб бориб, назарий масалаларга изланишлардаги эҳтиёжларига қараб йўл-йўлакай мурожаат этганлар. Аммо, тан олиш керакки, жуда катта миқёсдаги ишлар амалга оширилди ва жуда кўп назарий муаммолар ўз ечимини топди.

Янги методикага асосланган ўзбек матншунослиги XIX-XX асрлардан бошлаб тараккий эта бошлади. XX аср бошларида Туркистонда матнни танқидий ўрганишга эътибор кучайиб борди. Турли матбаа ёки кутубхоналарни ташкил қилиш маълум маънода ўзбек матншунослигининг янгича йўналишда ривожланишига сабаб бўлди. Матншунослигимиз XIX аср охири-XX аср бошидаги тошбосма нусха тайёрлаш жараёнида олиб борилган амалий ишлар ўзбек матншунослиги ривож тарихида муҳим ўринни эгаллайди. А. Ҳабибуллаев босма нашрлар пайдо бўлиши ҳақида сўз



юритар экан, шуларни қайд этади: “Бу нашрлар учун нусхалар танлаб олиниб, уларни нашрга тайёрлаш чоғида олиб борилган ишлар – матншунослик изланишлари ўша давр замонасининг талабларига яраша бўлиб келган ва XX аср замонавий матншунослик илми талабларига ўсиб ўтишда бир босқич вазифасини бажарган. Босма нашр учун нусхаларни танлаш, уларни саралаш ва ниҳоят босма нашрни юзага келтириш ишлари такомиллаша бориб, ҳозирги замон матншунослигининг юзага келишига замин таёрлади”⁴³.

Тошбосма нусха ноширлари ҳам ўзбек матншунослиги ривожига ўзларининг бевосита амалий ишлари билан катта таъсир кўрсатганлар. Албатта, ноширнинг вазифаси, аввало, китоб савдоси билан шуғулланиш ҳисобланади. Аммо ноширларнинг турли хил савиядаги кишилар эканлиги уларнинг қўлёзма манбалар ва маънавий меросга бўлган муносабатида акс этади. Ноширлар фаолиятини ўрганиш асосида уларни икки асосий гуруҳга бўлиш мумкин. Жумладан, биринчи гуруҳга ноширликни асосий касб қилиб олмаган, лекин машҳур мутафаккирлар асарларини ва ўз ижоди намуналарини нашрга тайёрлаган шоир, олим, таржимонлар киритилган бўлса, иккинчи гуруҳга ноширлик билан доимий шуғулланган китоб савдогарлари киритилади⁴⁴. Ношир сўзи қўлёзмани нашрга тайёрлаган матншуносга нисбатан ҳам қўлланилади.

XXI асрда барча фанлар тараққиёти шиддат билан илгарилаб бормоқда. Бу жараёнда матншунослик соҳасининг орқада қолмаслиги, кейинги равнақи учун унинг назарий асосларини мустаҳкамлаб олиш лозим бўлади. Ўтган асрнинг 50-йилларигача бу соҳа амалий тарзда ривожланиб келди. Кейин назарий жиҳатдан илмий тадқиқ қилина бошланди. Соҳа назарияси атрофлича ўйлаб ишланмаганлиги натижасида ёзма ёдгорликларни оммалаштириш бўйича фаолият олиб бораётган соҳа мутахассисларини бир ном билан “матншунос” демоқдамиз.

Шунингдек, соҳа бўйича назарий асосни мустаҳкамлаш амалиётида юзага келган барча материалларни кўриб, илмий ўрганиб чиқишни тақозо этади. Бунинг учун, юқорида қайд этганимиздек, амалиётда, ёзма ёдгорликларнинг шу пайтгача нашр қилиш чоғида юзага келган назарий умумлашмалар хрестоматив база бўлиб хизмат қилади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, соҳа бўйича долзарблик касб этган бу масала “Ўзбек матншунослиги тарихини” яратишдир. Чунки “тарих”нинг назарияни материал билан таъминлашини эътиборга олсак, тарихсиз назарий асосни мустаҳкамлаб бўлмайди. Бу ишнинг проспектидан ҳеч нарса тушиб қолмаслиги керак бўлади.

Матнларни сифатли, ишончли, барқарор тарзда тузилишини таъминлаш учун матншунослик назариясини мустаҳкамлаб олишимиз керак бўлади. Дастлабки ва кейинги авлод матн тузувчи олимлар ўзлари суяниб келаётган назариянинг рус

⁴³ Ҳабибуллаев. А Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 153.

⁴⁴ Мирзороҳимов А. Ш. Ўрта Осиёда тошбосма китоб тарихи (XIX аср охири-XX аср бошлари): Фил. фан. номз. ... дисс. – Т., 2009. – Б. 60-61.





матншунослигига асосланганлигини ва унинг ҳамма вақт ҳам шарқ қўлёмаларига татбиқ этиб бўлмаслигини қайд этиб келганлар ҳамда ўзишларида уларга тузатишлар киритиб борганлар. “Ўзбек матншунослигининг рус матншунослигидан фарқи шундаки, турли ёзувларда акс этган миллий ёзма маданиятимизни бугунги кунда оммавийлаштириш ҳам адабиётшунослариимизни нашр типларидан келиб чиққан ҳолда муайян даражада матншунослик билан боғлиқ вазифаларни бажаришга ундаган”⁴⁵. Бизнинг фикримизча уларни илмий таҳлил назаридан ўтказиб, монографик, академик нашр шаклида “Матншунсолик асослари” ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳозирги замон адабиёт илмида бадиий асар матни таҳлили ва талқиннинг асосий объектига айланди. Зотан, матн замирида асар муаллифининг дунёқараш, инсон ва жамият ҳақидаги концепцияси, бадиий-эстетик принциплари, санъати, макон ва замон, миллий тафаккур мужассам бўлади. Қолаверса, матн таҳлили бадиий асарни холис баҳолашга имкон яратади. Биламизки, яқин ўтмишда “диний-мистик”, “ғайришўровий”, “сарой адабиёти” деган сиёсий ёрлиқлар билан ўқиш-ўрганишни ман этилган асарлар илмий ўрганилиб, кўп нусхаларда чоп этилди. Бу борада матншунослар, тадқиқотчилар хизмати эърофга лойиқ. Биіроқ адабий меросимиз намуналарини бугунги талаб даражасида мукамал тадқиқ этиш ва нашрга тайёрлаш матншунослик соҳаси олдиға жиддий вазифаларни қўйғани сир эмас. Айни пайтда матншунослик муаммолари нималардан иборат, уларнинг ечими қандай, деган саволлар долзарб бўлиб турибди десак адашмаймиз.

Бугунги кунда матншунослигимиз олдида жиддий вазифалар турибди. Жумладан, қўплаб асарларнинг илмий-танқидий матнларини тайёрлаш зарур. Шу кунгача Лутфий, Саккокий каби шоирлар асарлари босилиб чиққан. Қўплаб шоирларнинг мукамал нашрларини тайёрлашни йўлга қўйишимиз зарур ва бу йшлда қўплаб матншуносларнинг, адабиётшунрсларнинг ва қўплаб соҳа вакилларининг хизматлари жуда ҳам керак бўлади. Алишер Навоий асарлари нашрлари устида ҳам амалға ошириладиган ишлар талайғина. Масалан, шоир асарларининг академик (илмий), илмий-оммабоп нашрларини тайёрлаш керак. Уларни тайёрлашда, албатта, шу кунгача чиққан нашрлардан фойдаланиш билан бирға қўлёмаларға ҳам қайта мурожаат этиш лозим. Матншуносликдаги илмий танқидий матн, чоғиштира матн, илмий нашр, илмий оммабоп нашр каби тушунчаларни, улар ўртасидаги фарқларни тушуниб етишимиз керак. Чоп этилаётган асарға илова қилинадиган шарҳ ва изоҳла, луғатлар ҳам шунға қараб белгиланиш лозим. Шу пайтгача бизда “Ҳазоин ул-маоний” (1959-1960), кейинги 20 жилдликка кирган девонлар ҳам илмий-танқидий матн асосида чоп этилмаган. Албатта, уларни тайёрлаш учун кўп меҳнат сарфланган, катта-катта олимлариимиз жиддий изланишлар олиб борганлар. Шундай бўлсада,

⁴⁵ Умарова С. Тошбосма нашрлар ва матншунослик ривожі // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2016. – № 2. – Б. 121.



“Хазоин ул-маоний”нинг илмий танқидий матнини яратиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан. Яна, “Хамса” дostonларини изоҳлари билан қайта нашр этишга еҳтиёж бор. Нашрлардаги кичик хатоларни излаб вақт сарфлаш ўрнига, каттарoқ – халқ учун фойдалироқ ишлар билан шуғулланиш керак, деб ўйлайман. Таржима асарларнинг табдилини тайёрлаётганда аслиятга солиштиришдан эринмаслик керак. Матншунослик, манбашунослик соҳалари шошма-шошарликни ёқтирмайди. Алабатта бу соҳада олдимизда талайгина вазифалар турибди ва улар ниҳоятда долзарбдир. Матншунослик олдида ечимини кутаётган долзарб муаммолар нималарда кўринади? Бу савол албатта, барчамиз учун қизиқдир. Биринчидан, дунёда фаннинг бу жабҳаси замон талаблари даражасида ривожланган бугунги кунда биз хануз матншуносликнинг системали яхлит назариясини ишлаб чиқа олганимиз йўқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ҳабибуллаев. А Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Т.: ТДШИ, 2000. – Б. 153.
2. Саъдий М., Отабоев А. Матншунослик давр талаблари даражасидами? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Т., 2010. – № 27. – Б. 3.
3. Каримова С. Матншунослик ютуқлари // Ёшлик журнали. – Т., 2013. – № 7. – Б. 7-9.
4. Каримова С. Матншунослик ютуқлари // Ёшлик журнали. – Т., 2013. – № 7. – Б. 9-10.
5. Мирзораҳимов А. Ш. Ўрта Осиёда тошбосма китоб тарихи (XIX аср охири-XX аср бошлари): Фил. фан. номз. ... дисс. – Т., 2009. – Б. 60-61.
6. Умарова С. Тошбосма нашрлар ва матншунослик ривожи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2016. – № 2. – Б. 121.